

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRINING
BUYRUGHI

400 Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (20-сонли БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисобини юретишнинг соддалаштирилган тартиби»нинг 35-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2501-1

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 16 июлдаги 70-сон буйруғи (рўйхат рақами 2501, 2013 йил 14 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 33-сон, 448-модда) билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (20-сонли БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисобини юретишнинг соддалаштирилган тартиби»нинг 35-банди иккинчи хатбошисидаги «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юретиш қоидаларида (рўйхат рақами 565, 1998 йил 17 декабрь)» деган сўзлар «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларида (рўйхат рақами 2687, 2015 йил 22 июнь)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 21 июль,
68-сон